

Исроил Неъматов

*2011 йил Кичик бизнес ва хусусий
тадбиркорлик йили учун чоп этилди*

Анорчилик сирлари

*Ёш боғбонлар, фермерлар ва
барча қизиқувчилар учун қўлланма*

2011 - йил

Муқаддима

Инсоният пайдо бўлибдики, табиатга интилиб яшайди, ундан озикланади. Самарали меҳнати туфайли ердан бахраманд бўлади, манфаат кўради. Экинзорлар ва жаннатмакон боғлар яратади.

Авлод-аждодларимиз яратган ўша афсонавий боғи эрамлар ва уларнинг бой ҳаётий тажрибалари бизгача етиб келган. Биз ушбу кичик рисола орқали дастурхонларимиз кўрки бўлмиш анордан мўл хосил олиш йўллари боболаримиздан бизгача етиб келган тажрибалари асосида таништиришга жазм килдик. Шунингдек, Сирдарё анорчилигига катта ҳисса қўшган миришкор боғбон отамиз Раимжон ота Неъматовнинг (Оллох охиратларини обод қилган бўлсин) анордан мўл хосил олиш бўйича ҳаётий тажрибаларини ҳамда уларнинг Қувалик ва Олтиариклик ҳамкасб дўстларининг амалиётларини тўпламга асос қилиб олдик. Шунингдек, ушбу соҳа мутахассисларининг илмий ва амалий тажрибаларини ҳам боболаримиз амалиётлари билан умумлаштиришга ҳаракат қилдик. Фикру - ожизимизча, боболаримизнинг бой тажрибаларини сиз ҳам боғ ва томорқангизда синаб кўрасиз ҳамда катта натижаларга эришасиз.

Рисола барча қизиқувчилар учун мўлжалланган.

Баъзан яхши ўсиб турган экин ёки дарахт бирдан қуриб қолади. Шундан сал илгарирок кимдир боғингизга кириб, “ох, зўр бўлибди” деб суқ солган бўлади.

“Кўз тегибди” дейишади ўшанда. Айниқса мевали дарахтлар «кўзга якин» бўлишади. Кексаларимизнинг боғ четига молнинг бош чаноғини, калампир, исирик, тақаларни осиб қўйишлари бежиз эмас. Бу бор нарса. Боғ ҳам тирик жон. Боққа эрта билан қадам ранжида қилганда таҳоратсиз борманг, уни ифлос қилманг, фарзандларингиз ўтирмасин.

Аксинча, боққа кириб Оллохдан боққа барака омонлик, ривож тилаб дуо қилинг. Ёмон кўздан асрашини сўранг. Ўзингиз, оилангиз фарзандларингизни ризқи шу боғдан берилган экан, ушбу ризқни бутун бўлишини тиланг. Бу боққа ҳам, ўзингизга ҳам маънавий озик, дилингизга таскин бўлади. (Боболаримиз ўғитларидан).

Анор дарахтининг ватани тўғрисида

Ул на гумбаздир эшиги, туйнугидин йўқдир нишон,
Неча гулгунпўш кизлар манзил айлабдур макон.
Синдириб гумбазни кизлар холидин олсам хабар,
Юзларида парда тортиғлик турарлар бағри кон.

(Увайсий)

Анор узок умр кўрувчи дарахт ҳисобланиб, тўғри парвариш қилинса, уч юз йилгача умр кўради. Унинг илмий номи “Punika granatum” бўлиб, “Punika” ушбу ўсимик ватани Тунис эканини англатса, “granatum” эса «донли» деган маънони билдирар экан.

Анор ёввойи ҳолда Кавказ, Крим, Афғонистон ва Ўрта Ер денгизи атрофи мамалакатларида, шунингдек, Марказий Осиё давлатларида кенг тарқалган бўлиб, субтропик минтакаларда маданий ҳолда ўстирилади.

Неча-неча асрлардан бери шоҳлар дастурхонининг асосий беағи бўлган, чиройи ва хуштаъми билан Искандар Зулқарнайни лол қолдирган анор меваси ўлкамизнинг Қува, Олтиариқ, Сурхондарё ва Қашка вохаларида ҳам катта майдонларда экиб, парвариш қилинади. Қарийб 2000 йилдан бери ўстириб келинаётган анор кўчати ўтган XX асрнинг 25-30 йиллари Мирзачўлнинг унумдор ерларига ҳам келтириб экила бошланди.

Тақдир такозоси билан Мирзачўлда паноҳ топган Сангин ота Бозорбоев ва Хожиакбар ота Маткаримовлар ҳозирги Мирзаобод тумани Дехқонобод кишлоғи худудига биринчилардан бўлиб анор кўчати экиб, Мирзачўл анорчилигига асос солдилар. Дехқонободликлар Эшонқалон ота ва Рустам ота, Эшонқул ота, Мадали ота, Ражаббой ота ва Раимжон ота каби уста боғбон хамқишлоқларининг ишларини давом эттириб, ўз анорларини дунё бозорига чиқаришга эришдилар.

2000 йилга келиб, бу хуштаъм Дехқонобод меваси Европа давлатларида ва Япония ҳамда Жанубий Корея супермаркетларида сотила бошланди. Айни кунда Дехқонободликларнинг асосий даромад манбаи бўлиш билан

бирга анорнинг турли серхосил навларини яратиш бўйича тажриба мактаби бўлиб қолди.

Анорнинг биологик хусусиятлари

Анор ўсимлиги одатда 2-5 м баландликда бута шаклида ўсади. Гули йирик, чиройли, якка-якка ёки тўп-тўп тўқ-қизил, зарғалдоқ –қизил бўлади. Бир туп анорда икки хил узунчок тожбаргли қувача шаклидаги гул учрайди.

Булардан биринчиси мева тугади, иккинчиси эса эркак гул ҳисобланиб, ундаги оналик қисми яхши ривожланмаган ва майда бўлиб, мева тугмайди. Булардан ташқари оралик гуллар бўлиб, булар майда буришқоқ мевалар тугади. Анор апрелнинг бошида ҳаво 12 - 14⁰га кўтарилиши билан кўқара бошлайди. Кузда иссиқ харорат шу даражага тушганда ўсишдан тўхтади. Анорнинг ўсиш даври навига, иқлимга қараб 180-215 кун давом этади. Анор май ойининг бошида гуллайди, биринчи галда қишлаб чиққан куртаклар гуллайди, орадан 10-15 кун ўтиб, ёппасига гуллаш бошланади. Бир туп анорда унинг навига, об-хаво шароитига қараб 5 минггача гул бўлиши мумкин. Лекин буларнинг 96-98 % ини ҳосилсиз (эркак) гуллар ташкил этади. Анорнинг турли навлари бир-бири билан эркин равишда чанглатилса, серхосил, меваси йирик бўлади. Унинг гул чангини кўп таркатадиган восита асаларидир. Шунинг учун анор ҳосилдорлигини оширишда асаларидан фойдаланиш керак.

Анор ўзининг навига қараб 120-160 кунда пишиб етилади.

Анорнинг навлари тўғрисида

Ўлкамизда анорнинг уч хили мавжуд бўлиб, 69 дан зиёд навлари ҳисобга олинган. Ўлкамизда кўпроқ учрайдиган навлар эса қуйидагича: Аччик анорнинг ўзи 3 хил навга эга:

Биринчиси «Асл қайин» бўлиб, катта-катта, қизил, доналари йирик ва сувли бўлади. Териб олингач, пўсти тезда юмшайди.

Иккинчиси «Паст қайин». Бу нав анорнинг мевалари кичикроқ, териси оқишроқ, доналари майдароқ, ўзи камсув ва нордонроқ бўлади.

Учинчиси «Қизилбош» бўлиб, хосили майда териси қизил, тожи йўғон ва узун бўлади. Нордон анор ҳам 3 хил навга эга:

Биринчиси «Асл кубодиён» булиб, анорларнинг энг яхшисидир. Унинг доналари йирик, сувли, таъми нордон. Пўсти қизил, кўк ва оқ аралаш бўлади. Иккинчиси «Кўк тери» бўлиб, пўсти қалин март ойигача яхши сақланиб туради, донаси бошқа анорларга қараганда кам.

Учинчиси қизил анор, буни айримлар «Аъло қайин» деб аташади. Унинг анори унча катта бўлмайди, бироқ ранги жуда чиройли, таъми ширин, доналари йирик ва сувли бўлиб, кўп ёрилмайди, сақлашга яхши.

Ширин анор икки хил нав бўлиб, биринчиси «Катта қизғиш». Унинг донаси қизил, сувли ва йирик бўлиб, анорларнинг ичида энг мазалисидир. Иккинчиси «Сариқ тун» деб аталиб, донаси майдароқ, сувсиз бўлиб, пўсти юқа ва оқ-сариқ рангли бўлади.

Сирдарё воҳасида булардан ташқари «қора қайин» нави ҳам кенг тарқалган бўлиб, меваси қизилдан қорага яқинроқ, донаси йирик, сувли ва шириндир.

Дехқонобод анорчилигига муносиб хисса қўшган Райимжон ота Неъматов яратган «қора марварид» анори дастурхонларимиз гултожи бўлиб колмокда.

Бу анор меваси йирик, пўсти қалин бўлиб, кўп ёрилмайди ва келгуси баҳоргача яхши сақланиб туради.

Мевасининг ранги тўқ – қизил - қора бўлиб, марвариддек товланиб туради, таъми нордондан ширинга яқинроқ. Тожи узун ушбу анор юмалоқдан кўра узунчоқ бўлиб, таг қисми қалин гўштдир. Ана шу гўштдор қисмда тўпланган озуқа туфайли анорнинг узоқ вақт сўлимай туришига ёрдам беради.

Асрлар бўйи шифобахшлиги учун қадрлаб келинган анор донасининг сони йилимизнинг кунларига яъни уч юз олтмиш беш дона бўлиб, (фақат айрим навларида 200-800 тагача бўлиши мумкин) уни тўкмай, бирор донини қолдирмай ва

ташламай истеъмол қилинсагина инсон саломатлигига фойда қилишини боболаримиз кўп таъкидлашган.

Анор кўчатини кўпайтириш

Анор кўчати асосан тўрт хил усул билан кўпайтирилади.

Биринчи усули - анор донидан, аммо унинг ўсиши секин, сертикан бўлиб, меваси унча катта бўлмайди.

Иккинчи усули - дарахт тагидан ва танасидан ўсиб чиккан ёввойи новдалардан олиб кўпайтирилади. Бу кўчат жуда тез ўсади, аммо хосили кам бўлади.

Учинчи усули- дарахт шохларидан кесиб олиб экилади, бу секин ўссада, хосилдорлиги яхши бўлади.

Тўртинчи усули- анор дарахти танасидан бири ерга эгиб кўмилади. Бу усул «палгари», Фарғона водийсида эса «тизза» дейилади ҳамда тез амал олиб хосилдорлиги юқори бўлади. Энг маъқул ва яхши амал бўлмиш тўртинчи усулни баҳорда анорлар очилиб, ерлари текислангач, мева қиладиган ёки эҳтиётсизлик қилиб ярим синган танасини дарахт ёнига кўмилади.

Икки йил аввал ўтказиб яхши илдиз отган кўчат жойидан кавлаб олиниб, бошқа ерга экилади. Анор дарахтини 4x3 хажмда экиш мақсадга мувофиқдир. Анорзор атрофида хеч қандай мевали дарахт бўлмаслиги лозим. Фақатгина токдан ташқари. Айтишларича, ток дарахти билан анор ўртасида «мухаббат» бўлиб, бир-бирига яқин экилса серхосил бўларкан. Анор дарахти экилгандан сўнг икки- уч йилда хосил беради, 7 йилдан сўнг тулик хосилга киради ва айрим туплари 60-80 кг гача мева беради.

Анор кўчати етиштиришнинг энг оддий ва арзон усули илдиз бачкиларидан ва новдаларидан қаламча экиб, кўчат тайёрлашдир.

Қаламча қилинадиган новдалар кузда, анор шохларидаги барглар тўкилиб бўлганидан кейин кесиб олинади. Қаламчалар анор хосили териб олиниб, серхосил туплар аниқлаб олингач, тайёрланади. Айрим холларда кўкламда анор тупи очилгач, то

куртак чиқаргунча тайёрласа бўлади. Қаламчалар 25-30 см узунликда кесилади. Унинг пастки учи куртак тагидан бир оз кийшайтириб кесилиши лозим. Шундай қилинганда майда илдизчаларнинг пайдо бўлиши осонлашади. Қаламчалар об-хаво шароитига қараб 1-25 мартда экилади. Кесилган қаламчалар 25-50 дондан боғлаб бир неча соат сувга ташлаб қўйилади. Қаламчани экиш чоғида оралиғини 10-15 см, унинг тупроқдан юқори кўмилмайдиган қисмини 5 см бўлишлигига эътибор беринг. Қаламчалар экиб бўлингач, дархол жилдиратиб сув беринг. Шунда қаламча бўғзидаги тупроқ зичлашиб, унинг илдиз чиқариши осонлашади. Қаламча тайёрлаш пайтида зинхор ўтмас чопқи ишлатманг. Негаки, тиг еган учидан шамол кириши натижасида қурийд.

Об-хаво ва тупроқ шароитига қараб ниҳоллар ўсиш даврида 10-15 марта суғорилади. Бу апрелда 1, майда 3-4, июнда 3, июлда 3, августда 2, сентябрда 1 марта. Анор дарахти танасидаги шохларига эътибор бериш керакки, негаки, у секин ўсувчи тез синувчи ва нозик бўлиб, тана шохларини ўнтадан, ўн бештагача куйиш керак. Агар дарахти хаддан зиёд баланд бўлса хосили камая боради, калта бўлса, йўғонлашиб, кўмилаётган пайтда синади. Шунинг учун ҳам анор дарахтининг узунлигини уч-уч ярим метрдан оширманг.

Анор дарахтини ўтказиш

Анор дарахти ўтказиш учун энг мақбул вақт ноябр ойидир. Бу пайтда улгурмаса, хут ойида яъни 22 февралдан 21 мартгача бўлган даврда ҳам ўтказиш мумкин. Бу муддатда ўтказилган анор дарахтининг ўқ томири кучли, майда томирлари сероб бўлади.

Анор кўчати экиш учун икки ёшга тўлган, яхши томирлаган кўчатлар танлаб олинади. Аввало томирнинг катта-кичиклигига мослаб чуқур кавлаб олинади. Сўнгра бир оз чириган гўнг солинади ва ўша чуқурдан чиққан тупроқ билан томир кўмилади. Томир шамоллаб қолмаслиги учун кўчат суғорилади ва шамол қимирлатиб юбормаслиги учун икки тарафдан

тирговуч қўйилади. Анор кўчатини қайси тарафга каратиб экиш тўғрисидаги масалага энг мақбул томон миришкор боғбонлар жануб томонни танлашган (бу ерда кўмишни хисобга олиб, 45 даражада экишни мўлжалланг). Негаки шамол йўлига тескари, иккинчидан ҳамма дарахтлар қуёшга интилиб яшайди ҳамда анор дарахтининг ҳамма томонига қуёш бемалол ўз иссиғини бера олади. Айрим боғбонлар ой нури ер юзасига тушиб турган даврда анор дарахти экмайдилар. Негаки, бу пайтда экилган анор кучати тез ғовлаб ўсиб кетади ва хосили кам бўлади. Шунинг учун анор экиш учун қулай муддат эски ой тугаётган ва янги ой чиқаётган даврдаги кунлардир.

Анор кўчатини айрим боғбонлар қатор ораларини 5x3 схемада қилиб, баъзилар 4x4 усулда экадилар. Бизнингча, кўчатлар қатор орасини 4 м ва туп орасини 3м қилиб, экилса, хосилдорлик ортади.

Бунда бир гектар ерга 830 туп анор кўчати ўтказиш мумкин.

Хар туп анор дарахтидан ўртача 40 кг дан хосил олсангиз қанча даромадга эга бўлишингизни ўзингиз хисобга олинг. Техника билан ишлов бериладиган майдонларда қатор оралари 5м туп оралари 3 м қилиб, экилади, бунда бир гектар ерга 666 туп кўчат жойлаштирилади. Анор дарахти қуруқ ва нами кам ерни ёктиради ва бундай ерларга экилган ниҳол тез авж олади, ҳам узоқ яшайди.

Анор дарахтини парваришлаш

Анор дарахти совуққа чидамсиз бўлиб, 10 даражагача чидайди. Сирдарёнинг намлиги юқори бўладиган қишида анорни тез совуқ уриши мумкин. Анор дарахтининг қишли кунлардан сақлаб қолиш учун уни кўмиш керак. Кўмиш учун энг қулай вақт октябр ойининг охири ва ноябр ойининг биринчи ўн кунлигидир. Чунки бу вақтда анор дарахти танасида сув бўлиб, яхши эгилади ва синмайди.

Зах ерларда ерга бир қават хас-хашак ташланади, анор ётқизиلىб, устига яна бир қават хас-хашак ташлаб, шохлари йиғиштирилиб кўмилади. Иложи борича анор танасига тупроқ

тегмай хашак устида бўлишига эътибор беринг. Шундагина дарахт қишдан омон чикади. Яна бир жихати борки, қиш чўзилиб кетган даврда анор танасини тупроқ «яламай», унга зиён етказмайди. Бахор бошланиб, март ойининг ўнинчисини ўтказиб, қиши билан тайёрланган ўғит бўлса, анорнинг чуқурларига солиб устидаги тупроғини тушириб, кўйинг. Факатгина хашагини олманг, чунки, кутилмаган совуқ тушиб, тупроқ остидан иссиқ чиққан анор дарахтига тез таъсир қилиши мумкин. Хамал бошланиб, март ойининг 20-чисидан сўнггина унинг хашаклари олиниб, ери текисланади. Айрилар кўйиб, синган шохлари олиб ташланади. Ишлов бериш чоғида зинхор ўтмас чопқи ва болта ишлатманг. Анор дарахти танасидаги кўчиб қолган пўстлоғини тозалаб, охаклаб кўйиш ёки бутун танасини дорилаб чиқишга эътибор қаратинг. Бу билан анор дарахти танасида қишлаб соғлом чиққан зарарли хашаротларни кўпайишини олдини олган бўласиз. Дорилашнинг усуллари тўғрисида кейинги қисмларда тўхталамиз.

Шундан сўнг анорга сув бериш керак. Апрельнинг охири май ойларида анорга сув беришга эҳтиёж бўлмайди. Унинг танасидан ўсиб чиққан хом навдаларни олиб ташлаб, тагини кетмон билан чопиб чиқилади. Шундан сўнг анор дарахти ўғитланади. Ўғитлашнинг турли йўллари бор. Бу сизнинг канчалик кўп ўғит йиғишингизга боғлиқ.

Агар кўп ўғит йиққан бўлсангиз хар бир анор дарахти атрофини кавлаб томирига тегмайдиган қилиб бир замбирдан чириган гўнг солиб, кўмганингиз маъқул. Бу усулда гўнгдаги мавжуд азот, фосфор, калций ва бошқа ўғитлар дарахтга меъёрида етиб боради. Ўғитлашнинг яна бир усули-боғингизга сув кирадиган томонига хандак қазиб, қиши билан ўғит жамғаринг.

Сувни шу хандак оркали беринг. Ўғитни тез-тез аралаштириб туринг. Бу усул сув билан ўғитлаш, яъни шарбат бериш дейилади.

Кейинги сувни май ойининг ўнинчисидан сўнг бериш ниҳоятда фойдалидир. Кийгос гулга кирган дарахт сув билан

биринчи гулларини ушлаб қолади. Бу билан анор серхосил бўлиб, дастлабки, тугилган мевалари йирик ва ширин бўлади. Хар сув бергандан сўнг ер қуригач, кетмон билан ағдариб, айрисини тўғрилаб кўйишга хафсаласизлик қилманг. Янги ўсиб чиққан ёввойи новдаларни юлиб ташлашни ҳам назардан қочирманг.

Анордан мўл хосил оламан десангиз, саратон сувидан камида икки бор қондириб суғоринг. Шундан сўнг яна бегона ўт-ўланларни юлиб, дарахт танасидаги ёш навдаларни олиб ташлашга эътибор қаратинг. Августнинг охири-сентябр ойи бошларида ернинг шароитига қараб анорга яна сув берилади. Бу пайтда анор хосили кўриниб, кўзни қувонтирарли даражага етади. Хар бир туп дарахтни синчиклаб кўздан кечирадиган боғбон айрим дарахтлар кам хосил қилганини гувоҳи булади. Бундан хулоса чиқаришга шошилманг, чунки анор дарахти камида уч йилда бир марта дам олади, жуда оз миқдорда хосил беради. Айрим анор дарахтларининг «нози» ҳам бўладики, кимдир уни «хафа» қилган бўлади.

Шуни унутмангки, бошқа дарахтлар қатори анор дарахти ҳам хақиқий боғбонлар билан «тиллаша» олади. Инсон табиатга интилганидек, жамики дов-дарахтлар инсонга яқинлашгиси келади. Сизга бир маслахат: турмуш ўртоғингиз ёки ўғлингиз билан боғингизни айланинг, унга омонлик тиланг, қўлингиздаги ўткир болта билан кам хосил берган анор дарахти олдида бориб, «онаси ёки ўғлим, шу дарахтимиз чарчаган шекилли, хосил бермабди, кўчириб янгиласакми дейман» деб ёлғон пўписа қилинг. Шунда турмуш ўртоғингиз «Кўйинг дадаси, бу йил дам олибди, келгуси йил шундай хосил берсинки, бу йилгисини ҳам хиссасини чиқаради» деб анор танасини силаб кўйсин. Келгуси йил кўзни қувонтирарли даражада хосил беришига биз кафил. Бу тажрибада исботланган. Сентябрь ойининг ўнинчисидан сўнг анорга сув беришни тўхтатинг. Чунки, кейинги сувларни фойдаси бўлмай, аксинча, пишган анорларни ёриб юборади. Айрим боғбонлар анор мевасининг пишганини териб олиб, яна сув беришади, бу кейинги хосилни пишиши ва анор боғингизни юмшоқ туришга

ёрдам берадики, анор дарахтини кўмиш пайтида илдизи билан эгилтиришга ҳамда анорни синдирмай кўмишга ёрдам беради.

Шундай қилиб, баҳор ва ёз мавсуми анор дарахтини 4 марта буташ ва тагини чопиш, ер шароитига қараб, олти –саккиз марта суғоришни мақсадга мувофиқ деб билдик.

Зарур ҳолда ҳашоратларга қарши кураш вазиятга қараб олиб борилади.

Сўрувчи зараркунандаларга қарши кураш усуллари ҳақида ҳам албатта тўхталамиз.

Анор дарахтини ўғитлаш

Анордан мўл ҳосил олиш учун уни ўғитлаш жуда муҳимдир. Айрим боғбонларимиз минерал ўғит бериш билан анордан юқори ҳосил олишга берилиб кетишди.

Анор учун азот, фосфор, калий, кальций, ва бошқа ўғитлар жуда керак.

Лекин хаддан зиёд минерал ўғит ишлатиш оқибатида анор дархтингизни мўрт, тез синувчан ва совуққа чидамсиз қилиб қўйишингизни унутманг.

Бунинг устига анор меваси тез чириб кетади ва сақлашга яроқсиз ҳолга келади.

Яхшиси, маҳаллий ўғитларга эътиборингизни қаратинг. Маҳаллий ўғитларга хайвонлар гўнги, суюқ гўнг, қушлар, парранда ахлати, кўмир майдаси, турли чиқиндилар, озиқ-овқат қолдиқлари ва ўт-ҳашак чириндилари киради.

Маҳаллий ўғитларда карбонид, азот, фосфор, водород, магний, олтингургурт ва бошқа моддалар кўп. Бу ўғитни кўп ишлатиш анор боғингиздаги тупроқни маданийлаштиради, чиринди билан бойитади.

Енгил тупроқлар қовушқоқлиги ортади ва уларда намнинг сақлаш ҳамда моддаларни сўриб олиш, хусусияти кучаяди. Маҳаллий ўғитлар тупроқ унумдорлигини оширса, минерал ўғитлар озуқа режимини яхшилайти, бироқ, боғингизни умрига зомин бўлишини унутманг.











Анорзорингиз учун энг макбули айтиб ўтганимиздек, махаллий гўнгдир. Гўнгни махсус чуқурга кўмиб, яхшилаб чиритиб, камида бир йил сақлаб, анор илдизларига тегмайдиган қилиб, ёнига чуқур қазиб, кўминг. Иккинчи йили кейинги ёнига ва шу тарзда давом эттиринг. Бу усулда барча ўғитлар хавога учмай, дарахтга етиб боради. Натижа эса боғингиз махсулдорлиги ошишига олиб боради.

Шу ерда ёш боғбон дўстларимиз орасида бахсга сабаб бўлаётган ўғит турлари анор дарахтига қай тарзда таъсири тўғрисида маслахат беришни ҳам лозим деб билдик.

Ўсимлик ва дарахт хаётида азот етишмаса экин ўсишдан тўхтади, хосилдорлиги камаяди. Азот кўп берилса, айникса, анор ўсиб, ғовлаб кетади, совуққа ва сувсизликка чидамсиз бўлиб қолади, меваси чириб кетади. Фосфор- бақувват илдиз системаси хосил қилади, хосилнинг пишиб етилишини тезлатади, мевада крахмал ва қанд тўплашда ёрдам беради.

Фосфор билан ўсимликнинг дастлабки ўсув даврида озиклантириш муҳимдир. Анор кўчатини очиб, таги текислангач, оз миқдорда тупроққа аралаштириб бериш яхшироқ. Гўнг жамғариш чоғида гўнгга аралаштириб, анорга берсангиз, ундан ҳам тузукроқ.

Кальций илдиз системаси ўсишига ёрдам беради. Тупроқнинг ишқорлик даражасини камайтиришга яхши таъсир кўрсатади.

Калий ўсимлик тўқималарини ривожланиши учун жуда муҳимдир.

Углеводларнинг пайдо бўлишига ёрдам беради, ўсимликнинг замбуруғ касалликларига, иссиққа ва совуққа чидамлилигини оширади. Анор гулини тўкилишини олдини олади.

Марганец, мис, рух, бор каби микроэлементлар ҳам ўсимлик ва боғингиз хаётида муҳим бўлиб, уни ўсиши ҳамда хосил тўплашига ижобий таъсир кўрсатади. Минерал ўғитлардан фойдаланиб, мўл хосил олаётган боғбонлар кўп.

Бироқ, биз бу ўғитларни полиз ва томорқангизга ишлатиб, уни обод қилишингизни, анорингизга эса махаллий ўғитлардан кўпроқ фойдаланишингизни тавсия қиламиз.

Анордан юқори хосил олиш йўлларида бохабар бўлай десангиз, рисола ни ўқишни давом этинг.

Анордан мўл хосил олиш усуллари

Анордан юқори хосил олиш борасида миришкор боғбонларимизнинг тажрибалари бисёр.

Келинг, ҳозир шундай тажрибалардан биз билганларимизни сиз билан ўртоқлашамиз.

Анор кўчатини экаётган пайтда чуқури атрофига қиррали тош териб қўйсангиз, анори ёрилмайди, меваси серхосил бўлади.

Агар аччиқ анорингиз бўлса, уни кўчириб олиб ташлашга шошилманг. Унинг тагини очиб, томирларига чўчка гўнги ва одам пешобини аралаштириб қўйинг. Анорингиз ширин бўлади.

Агар қуриган мевали дарахтлар қулини сув билан аралаштириб, бир неча кун анор томирига оз-оздан қўйиб турсангиз анорингиз серхосил ва дони рангдор бўлади. Анорнинг ёввойи новдаларини бутаб, уни ахлатхонага ташламай сақлаб қўйинг.

Ёз фаслида уни қуйдириб, тупрок билан аралаштириб анорга беринг, мевасини чиройли қилади.

Турли суяк, жун, чарм қолдиқларини анорзорингизга кўминг, анорингиз хушранг бўлади. Анор учун от гўнги ҳам фойдалидир. Анор дарахти ток билан яқин экилса, хар иккиси ҳам серхосил бўлишини юқорида айтдик.

Айрим уста боғбонлар анорни нок дарахти билан пайвандлаб юқори хосил олишганини биламиз. Анорни апельсин дарахтига пайвандлаш усуллари ҳам эшитганмиз.

Айрим боғбонлар анорларини офтоб уриб, қорайтириб қўйганидан нолишади ва албатта бу хосилдорликка таъсир кўрсатади. Бу ўша анор дарахтингизга етарли озуқа миқдори

бермаганингиздан дарак. Уни ўғитлашга эътибор беринг, шунда анор меваси офтобда қуймайди. Иложсиз холда анор дарахтини кўпроқ қуёш тушадиган қисмига бир қават қуруқ хашак ташлаб қўйинг. Бу амални август ойининг кейинги иккинчи ярмида бажаринг.

Яна бир сир. Экаётган анор кўчатингиз новдасини ёриб, ичидаги мағизини олиб, яна уни бир-бирига ёпиштириб, увода ёки латта билан ўранг. Тоза лой ва янги гўнг билан суваб ёрилган жойи ер юзасига уч бармоқ чиқиб, турадиган қилиб экинг, кўклагандан сўнг ёрик устидаги қисмини кесиб ташлаб парвариш қилинг. Анорингиз мевасини уруғи бўлмайди.

Бундай тажрибалар жуда кўп. Мухими, анорингиз билан «тиллаша» олсангиз, унга мехринигизни берсангиз сизни қуруқ қўймайди.

Агар каптар гўнгини сувга аралаштириб, анор томирига қўйиб турсангиз, анорнинг меваси тўкилмайди, пишиши тезлашади. Агар бақлажон ширасини анор гулга кирган пайтда сочсангиз, ундан юқори хосил оласиз. Шу ерда бу қисмга хотима ясаб, кўзни қувонтирадиган даражада пишиб етилган сархил анорни териб олиш учун анорзорга қирайлик.

Анорни териш ва уни сақлаш усуллари

Ёзи бўйи қилган мехнатларингиз махсули-боғингизда анор пишиб етилди.

Энди уни териб олиш ва сақлаш керак. Анорни сақлаш учун алоҳида анорхоналар жуда муҳимдир. Сақлаш усуллари ҳам турлича. Бу борада оталаримиз тажрибаларини ўқиб кўринг.

Анорхонани узунлигини 10 метр, эни 4 метр қилиб кўринг. Бино деворининг қалинлиги 70 сантиметр бўлиб, унча катта бўлмаган иккита деразасини ҳам бинонинг шимол томонига ўрнатинг. Сирдарё шароитида анорхоналарга пол қилиш жуда зарур. Негаки, сизот суви ер юзасига жуда яқин, зах уфуриб турган ерда анор тезда чириб кетади. Ўлкамизнинг айрим худудларида анор сақлаш учун қамиш тўшама ёки қуруқ қумдан фойдаланилади. Хонани шамоллатиш учун бинонинг

том кисми ёки деворнинг томга якин қисмидан камида иккита туйнук қолдирилинг. Бундай хонада куруқ салқин хаво юзага келиб, хар кандай мева ёки сабзавотларни узок муддат сақлаш мумкин. Энди анор узишга киришайлик. Анор теришни тўрт муддатга ажратинг. Биринчи муддат бу сентябр ойининг 20-25 кунларидир. Бунда пишган анорлар навига қараб, алохида-алохида қўйилади. Анор узиш учун албатта ўткир қайчи ишлатинг. Анор мевасини шохидан камида бир сантиметр қолдириб, узиб, бир кун боғингизда қолдирилинг. Узиш чоғида анорга чақалоққа қилган муомаладек бўлинг. Эртаси куни махсус саватда анорни омборхонага ташлаб, тўрт қаторлаб, эхтиётлаб теринг. Дастлаб майдароқ анорлар, тепа қисмига эса катгароғини теринг. Чунки катта анор нозик ва сувли бўлиб, тез зах ейиши мумкин.

Орадан бир хафта ўтиб, иккинчи муддатда ўртача анорни теринг. Бу орада ёрилган анорлар териб, бозорга сотилиши ёки турли шарбатлар тайёрлашингиз хам мумкин.

Учинчи муддатга қолдирилган анорнинг нақадар хуштаъм ва ўзи хам чиройли бўлишини боғбонлар жуда яхши билишади.

Анор дарахтини кўмиш олдидан охирги муддатга қолдирилган майда анорларни териб олинг.

Бу пайтга келиб, улар хам пишиб етилади. Шу ўринда яна бир маслахат: анор шохларида қолдирилган меваларни қалин қоғозларга ўраб, жойида қолдирилинг, кўмиш чоғида ерга тегмасин.

Март ойида анорни очиш пайтида фарзандларингиз билан таъмини йўқотмаган хушхўр анорни маза қилиб ейсиз.

Айрим боғбонлар келгуси йил хам шундай мўл хосил олайлик, деб охирги меваларни дарахтларни узига «егизишади», яъни, анор томирини ёнига кўмишади. Бу хам боғдорчиликдаги иримлардан бири. Анорни узок муддат сақлашнинг турли йўллари бор. Айримлар уни қуритиб сақлайди. Агар анорни намакоб суви билан ювиб ва озрок муддатга қуёш нурида қуритиб, омборхонангизга териб қўйсангиз, узок муддат сўлимай туради.

Омборхонагизда хаво куруқ бўлса хар ер-хар ерига идишда сув куйинг, анор нам тортиб, ўзини йўқотмайди.

Анорни сақлаш борасида Дехқонободлик боғбонларда шунчалик хайрон коларлик тажрибалари борки, ўзи бир китоб бўлади.

Мухими, анорни яхшилаб пишириб узиб олсангиз, хохлаган муддатгача сақлаб, азиз мехмонларингиз дастурхонини безашингиз мумкин.

Анор зараркунандаларига қарши курашиш усуллари

Республикамиз қишлоқ хўжалиги экинларининг ўн мингдан ошиқ зараркунандалари бўлиб, улар бог ва томорқалар учун хам катта зарар етказади. Бог зараркунандаларига қарши самарали кураш, ундан юкори хосил олиш гаровидир.

Анорзорлар учун энг хавфли хашарот бу- КОМСТОК куртидир. Бу зараркунандани таниқли олим П.П.Архангельский 1939-йил таърифлаб берган. Комсток курти анорнинг гулкосаларига ўрнашиб олиб, ўша ерга тухум қўяди. Натижада анор меваси ифлосланиб, сифатсиз бўлиб қолади. Қурт йилига уч бўғин бериб ривожланади. Тухум холатида дарахт танаси, бутоқларининг пўстлоғи тагида ва синган тана ёрикларида қишлайди. Тухумларни тўп-тўп қилиб, пахтасимон оқ халтача ичига жойлайди, бу халтачани урғочи куртнинг ўзи тухум қўйиш пайтида ясайди.

Биринчи бўғин личинкалар туғилиши анор дарахти куртак ёзадиган даврга тўгри келади.

Бу бир ойча давом этади. Иккинчи ва учинчи бўғин личинкалар катта-катта тўдалар хосил қилади хамда уларнинг хар бири 200-600 донагача тухум қўяди.

Анорзорда мавсумнинг биринчи ярмида Комсток курти асосан анор тупларининг бачки навалари ва бегона утлар хисобига ривожланади. Кейинчалик новдалар ва бегона утлар қарий бошлагач, личинкалар анор гулкосоларига утиб, уша ерда тухум қуяди. Бу зараркунандага қарши курашишнинг энг самарали йули-бутун мавсум давомида анорзорингизни бачки

новдалардан тозалаб боринг. Хар сафар суғоришдан сўнг бегона ўт босишига йўл кўймаслик учун тўплар атрофини кўлда юмшатиб чиқинг. Анор танасига тирговуч кўйиб баландрок кўтаринг. Иложи бўлса анорзорингиз атрофида тут дарахти, декоратив ўсимликларни бўлишига йўл кўйманг.

Негаки, Комсток курти ушбу дарахтларда жуда кўп микдорда кўпаяди.

Комсток куртига қарши химиявий курашиш учун Би-58 суоқлиги ва 2 процентли фозолон эритмаси ишлатилади. Химиявий усул икки бор ўтказилади; биринчи марта майнинг ўрталаригача, иккинчи марта бир ой ўтказиб, июн ойининг ўрталаригача, илдиз бўғзидан шохларигача пуркалади.

Куйида биз зарарли хашаротларни йўқотиш учун табиий қайнатма ва захарли дамламалар тайёрлаш усулларини тавсия қиламиз.

Тамаки димламаси-сўрувчи зараркунандаларни йўқотиш учун ишлатилади. Бир кг тамаки чигитига 10 л қайноқ сув солиб, бир сутка димлаб кўйинг, сўнг сузиб олинг.

Уни пуркаш олдидан ўзидан 2,5 баравар кўп сувга солинади ва 10 л сувга 40г совун кўшилади. Саримсок гўшт майдалагичдан чиқарилади ва 10л сувга солинади. Бу димлама – турли бит ва каналар, ширларни йўқотади.

Тухум кўювчи капалакларни чўчитади. Димламани анор мева тугиш олдидан тайёрлаган захоти ишлатинг. Мохорка, саримсок ва пиёз пўстидан тайёрланган димлама-барча зараркунандаларга қарши ишлатилади.

200 г тамаки, 200г майдаланган саримсок ва 200гр пиёз пусти олинб, 10 л сувга солиб, икки соат кайнатинг. Сунг уни совутиб, сузиб олинг. Сепиш олдидан 10 л сув хамда 80 гр совун кўшинг. Исфарак (дельфиниум) димламаси – табиий холда хамма ерда учрайди. Уруғи йиғиб олинб, ёш шохлари барглари билан бирга қуритилади. Қуритилган ўсимлик майдалиниб, сувда икки сутка димланади.

Бунда бир қисм ўсимлик 10 қисм қайноқ сувга солинади. Димлама инсон учун захарли хисобланиб, эхтиёт бўлиб ишлатиш керак.

Бу димладан анор куртлари, куялари ва бошка зарарли хашаротларни йўқотиш учун фойдаланилади.

Фаргона водийси боғбонларининг ажойиб тажрибалари бор – анзур пиёзини анор ва анжир дарахти томирига яқин экилса, ўша дарахтга курт тушмайди, ширадан омон бўлади.

Ушбу дарахтлар томири ёки мевасида курт пайдо бўлса, пастки қисм томирлари очилгунча кавланиб, кул билан тўлдирилса, барча куртлар нобуд бўлади. Агар анор шох кулини сичкон ўлдирадиган дорига кўшиб, анор томирига сепсангиз, куртлар бу дарахтга яқин келмайди. Анор мевасига курт тушмасин десангиз анор шохларининг кули ва майин олтингугурт аралаштириб, кийғос гуллаган анор дарахти устидан пурканг.

Олтингугурт ва арра кипиги аралаштириб, килинган тутун анорзорингиздаги хар қандай куртни даф қилади.

Анор дарахтингизни чумоли босиб кетган бўлса, гултожиўроз барги ва шохини эзиб дарахтга сепинг ёки чумоли уясининг майин тупроғига олтингугурт ва сурма аралаштириб сепинг. Бирорта чумоли ва бошка курт-қумурска омон колмайди.

Агар анор мевасини кушлар тешса ошқовоқ барглари ва шохини анорнинг устига илиб, кўйинг, кушлар яқин келмайди.

Кейинги йилларда айрим боғбонлар зараркунандаларига қарши биологик усулда кураш йўлларини татбик этиб, самарали натижаларга эришмоқдалар.

Вўза зараркунандаларига қарши ишлатилаётган трихограмма, хабробракон ва олтинкуздан анорзорингиз учун фойдалансангиз ширалар, бит ва каналар, турли куртлар тахдид килиб турганда мухим самарага эришасиз.

Бу тўғрида хам батафсилрок маълумот берамиз. Трихограмма капалаклар тухумининг кушандаси бўлиб, 70 дан ортик хашаротлар тухумларида ривожланади. Уни боғингизга апрел ойидан зараркунандалар тухум кўйишга киришган вақтдан бошлаб тарқатинг.

Хабробракон турли хил куртларни камайтиришда катта ёрдам беради.

У ўрта ва катта ёшдаги қуртларни зарарлайди. Боғингиз атрофида полиз ва сабзаёт ёки маккажўхори бўлса браконни кўпроқ тарқатинг. Урғочи бракон 500 метр атрофга тарқалиб, 150-300 та қуртни чақиб зарарлайди. Шол бўлган қуртлардан 8-10 кунда бракон ривожланиб чиқади.

Анор зараркундаларини йўқ қилиш учун Олтинкўздан фойдаланиш ҳам самара беради.

Олтинкўз анорнинг барги калин салқин жойига тухум қўяди.

Оқ рангли, юмалоқ, пилла шаклидаги тухумдан 4-5 кун ичида личинка чикиб, 30-40 кун яшайди ва ҳаёти давомида 250-300 тагача тухум қўяди.

Бир кунда 7-30 тагача умри давомида 500-600 та хашаротни нобуд қилади. Бир йилда 4-5 авлод берадиган бу хашарот боғларимиз учун қанчалик катта фойда келтиришини энди тасаввур қилиб кўринг.

Айрим боғбонларимиз катта маблағлар сарфлаб, турли захарли химикатларни анорзорлари узра пуркамоқдалар.

Бу билан улар ўзлари, фарзандлари ва кўни-кўшни саломатликларига ҳам хавф туғдирмоқдалар. Колаверса, захар анор мевасини захарламайди деб ҳеч ким кафил бўлолмайди.

Яхшиси, ҳамёнингизни бўшатманг. Бизнинг номимиздан ёзилган ва ота-боболаримиз қилиб келган юкоридаги яхши амалларни ўз боғингизда синаб кўринг. Худо хоҳласа албатта яхши натижаларга эришасиз.

Анорнинг шифобахш хусусияти ҳақида

Нордон анор ва унинг шарбати сафрони босади, чиқиндиларнинг ички аъзоларга оқишини тўхтатади. Унинг пўсти ва кули жароҳатлар учун доридир.

Анорнинг хаммасида ҳам овқатлилиқ оз, аммо, озик сифатида яхшидир. Унинг нордон - ширини меъда учун кўпинча олма ва бехига кўра, манфаатлироқ.

Анорнинг уруғи асал билан бирга тиш оғриғига ва кулоқ оғриғига фойда қилади ҳамда, у бурун ичига суртиладиган

доридир. Анор уруғи янчилиб, асал билан қўшиб, оғиз оғриғига суртса фойда қилади.

Ширин ва аччик анорнинг сиқиб олинган сувини асал билан қўшиб, бир неча кун офтобга қўйилса, бу малхам куздаги хароратга ва кундузи кўрмай қолишнинг олдини олишда фойда қилади.

Нордон анор кўкрак ва томоқни дагаллаштиради, ширини эса уларни юмшатади ҳамда кўкракни кувватлантиради.

Анор уруғи ёмғир суви билан қўшиб ичирилса, кон тупуришга фойда қилади.

Анорнинг хамма турлари хафаконга фойда қилади, ширини эса кўнгилни очади.

Нордон-чучук анор меъданинг яллиғланишига фойда қилади. Иситмалаган киши овқатдан сўнг анор сувини ичса, иссиғи тушади.

Анорнинг нордони ва ширини пешоб хайдовчидир.

Анорнинг пўсти қуритилиб, толқони ичилса, ич кетишини тезда тўхтатади.

Анорнинг гули қовурилиб, ярага суртилса, жароҳат тезда битади.

Анор суви иштахани очади, тумовнинг олдини олади, конни тозалайди, одамни бақувват қилади ва эркакликни кучайтиради.

Анор суви эрта ажин тушишини олдини олади, кишини чиройли, хушқомат бўлишига ёрдам қилади.

Ибн Сино анорнинг қобиғи, пўстлоғи ва гулидан тенг миқдорда олиб, димлама тайёрлаб, кунига уч маҳал ярим пиёладан ичишни сариқ касали билан оғриган беморларга тавсия этган. Анор гулини туйиб, хар куни милкларга суртилса, милклар бўшашиб кетишини олдини олади.

Анор пўстлоғидан қон қусишда, милклар ва ичаклардан қон кетишда даволовчи восита сифатида фойдаланилган.

Милкдан қон кетса, анор пўстлоғи ва уруғи димламаси билан ғарғара қилинади.

Анорнинг янги хосилини пўстлоғи ва гулидан тенг миқдорда олиб, озроқ қайноқ сувда димланади. Сўнг у матога

шимдирилиб, бадандаги шишга кўйилади. Унинг таъсири кучли бўлиб, тезда шишларни тортиб олади.

Анор гулидан бир сиким олиб чойнақда аччиқ қилиб дамланг. Ундан кунига уч маҳал овқатдан олдин ярим пиёладан ичинг. Бу дамлама ошкозон ва ичак яраларини тезда жарохатсиз битишига ёрдам беради.

Халқ табобатида анор пўстлоғи меваси ва гуллари сарик, иситма, гижжа, ловша, ичак касалликлари, шунингдек, иштаха пастлигида, бадан лат еб суяклар синганда ва оғрик колдирувчи восита сифатида қадимдан ишлатилган.

Замонавий табобатда анор пўстлоғидан олинадиган пелетелерин альколоиди, шунингдек, анор пўстининг экстракти тасмасимон гижжага қарши қўлланилади. Гастрит комит экстерит каби касалликларни даволашда фойдаланилган.

Бундан ташқари анор шарбатининг 20 фоизгача қанд моддалари, 14 фоизгача С витамини учрайди. Шу туфайли уни истеъмол қилиш киши организмнинг қувватини ошириб, юқумли касалликларига нисбатан иммунитетини кучайтиради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Республика қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлиги мутахассисларининг қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандаларига қарши кураш усуллари ҳақида қўлланмаси.

2. Абу Али ибн Синонинг ва халқ табобати ўғитларидан Мирвоҳид Кобулович Собиров. Томорқа богдорчилиги. 1991-йил «Мехнат» нашриёти.

3. В.З.Пашченко, К.В.Пашченко, Х.Қодиров «Боғ ва Токзор заракунандаларига қарши кураш чоралари.

4. «Ўзбекистон» нашриёти -1976 йил Х.Аминов, О.Кульков «Ўзбекистон анжир ва анори «Ўзбекистон» нашриёти -1966 йил